

**ТКТИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Х.Л.Пулатовнинг 2023 йил 26-27 декабр кунлари Қозоғистоннинг
М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университетига
ташрифи юзасидан ҳисоботи**

Ўзининг шонли 80 йиллик юбилейи арафасида Шимкент шаҳридаги М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университети **QS World University Ranking 20232** жаҳон рейтингда 443 (www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2023) ва Осиё давлатлари университетлари рейтингда эса 177 (www.topuniversities.com/university-rankings/asia-university-rankings/2023) ўринларни эгаллади. Умуман, сўнги йилларда ушбу университет жаҳонда дастлаб **TOP-1000**, айти вақтда келиб эса **TOP-500** талик **ОЎЮ** қаторида фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент кимё-технология институти ва Чимкент шаҳридаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университети ўртасида 2022 йил 28 сентябрда “Ҳамкорлик Меморандуми” тузилган.

Ўзининг шонли 80 йиллик юбилейи арафасида М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университети **QS World University Ranking 20232** жаҳон рейтингда 443-ўринни (www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2023) ва Осиё давлатлари университетлари рейтингда эса 177-ўринларни (www.topuniversities.com/university-rankings/asia-university-rankings/2023) муносиб эгаллади. Умуман, сўнги йилларда ушбу университет жаҳонда дастлаб **TOP-1000**, айти вақтда келиб эса **TOP-500** талик **ОТМ** лари қаторида фаолият кўрсатмоқда. Юбилей арафасида ушбу университетнинг мақоми яна оширилди ва эндиликда “М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат илмий-тадқиқот университети” номи билан юритилмоқда.

Университет раҳбариятининг таклифига асосан шу йил 26-27 декабрь кунлари Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Х.Л.Пулатов ушбу нуфузли университетда хорижий хизмат сафарида бўлди.




Ташриф давомида университетнинг вакиллари, жумладан университет хузурида ташкил этилган Нобель мукофоти лауреати Рае Квон Чунг номидаги янги “Иқлим иқтисоди Маркази” директори Жадра Шынғысбаева Атирхановна билан учрашув ўтказилди.



Учрашув давомида Ж.О. Шынғысбаева томонидан Марказнинг ташкил этилиши ва унинг фаолият йўналишлари, олиб борилаётган тадқиқот лойиҳалари билан таништирилди. Жаҳонда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари шароитида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муоқбил энергетика манбаларидан кенг фойдаланиш, маиший ва саноат чиқиндиларидан эрергия олиш ва саноат тармоқларида чиқиндиларни тўлиқ утилизация қилишнинг янги технологиялари, сувларни тозалашда цеолитлар ва сорбентлардан фойдаланиш истиқболлари ҳамда қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришда “яшил пахта” лойиҳаси ҳақида маълумот берди.

Ушбу Марказ Нобель мукофоти лауреати, “Глобал энергия” мукофоти бўйича халқаро қўмита аъзоси, Пан Ги Мун Жамғармаси бошқаруви аъзоси, БМТ Бош котибининг иқлим ўзгаришлари бўйича маслаҳатчиси Жанубий Кореялик профессор Рае Квон Чунг ташаббуси билан очилганлиги сабабли унинг номи билан юритилади. Қайд этиш жоизки, айти вақтда профессор Р.К.Чунг Университетнинг асосий штатдаги профессори сифатида талабаларга ва ёш тадқиқотчи олимларга маърузалар ўқийди ва университетда иқлим ва экологик муаммоларнинг ечимига бағишланган тадқиқот лойиҳаларида бевосита иштирок этади.



Ўз навбатида Х.Л.Пулатов Тошкент кимё-технология институтининг илмий салоҳияти, институтда яшил қимё, яшил иқтисодиёт, барарор ривожланиш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ҳақида маълумот берди ва олиб борилаётган ҳар бир лойиҳа ёки тадқиқот мавзуси маълум даражада экологик муаммолар ва иқлим ўзгаришлари, энергия, фойдали қазилмалар ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби устивор мақсадларга йўналтирилганлигига эътибор қаратди. Бу борада ўзининг ва ўз илмий раҳбарлигида долзарб диссертация мавзулари бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган докторантларнинг тадқиқот натижалари ҳақида қисқача ахборот берди.



Учрашув якунида томонлар ушбу йўналишда, айниқса сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришлари оқибатларини енгилаштириш ҳамда фойдали қазилмаларни комплекс қайта ишлашда чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро илмий-техник ҳамкорлик алоқалари даражасида лойиҳалар ишлаб чиқиш ва молиялаштириш имкониятларини топиш ва биргаликда амалга ошириш бўйича илмий-техник салоҳиятларини ўзаро манфаатли мақсадлар йўлида биргаликда ҳамкорлик қилиш зарурлиги ҳақида якуний хулосага келинди.

Х.Л.Пулатов
27.12.2023 й.